



Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 19 июнь, № 121 (6304)

Жума

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Беруний туманидаги "Бобононов Фафур" корхонаси трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.

Хориждан буюртма

Бу ерда катталар ва болаларга мўлжаллаб тайёрланаётган кўркам либослар ички бозорда аллақачон ўз харидорини топиб улгурган. Яқинда эса корхона жамоаси хориждан қўймати 40 минг АҚШ долларилик буюртма олди.

— Ўтган йили банкнинг молиявий кўмаги туфайли цехимизни энг илғор дастгоҳлар билан жиҳоз-

лаган эдик, — дейди тadbиркор Фафур Бобононов. — Бу эса буюртмаларни қисқа муддатта ва сифатли бажаришимизда кўл келмоқда. Ҳозир 15 кишилик жамоамиз томонидан "Qiyot tex" савдо белгиси остида ойига 30 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқараёмиз.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бинокорларга манзур

Тўрақўрғон туманидаги "Bunyodkor klassik servis" масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари бинокорларга ҳар жиҳатдан маъқул тушмоқда.

Бу, асосан, маҳсулотларнинг буюртмачи истаган ранг ва шаклда, тезкор равишда тайёрлаб берилаётгани билан боғлиқ.

Хусусан, импорт ўрнини босувчи томёпқичлар, турли ўлчамдаги мих ҳамда бетон таянчларни ишлаб чиқаришда хорижнинг илғор ускуналаридан фойдаланилаёпти.

Яқинда корхонада 14900 АҚШ доллари қўйматидаги замонавий дастгоҳ ўрнатилганидан сўнг технологик жараён янада такомиллашди. Ўз навбатида, меҳнат самарадорлиги ортиб, жорий йилнинг беш ойи мобайнида харидорларга 320 миллион сўмлик қурилиш ашёлари етказиб берилди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мустаҳкамлиги икки баробар юқори

Арзон хом ашёдан сифатли ва харидорнинг маҳсулот ишлаб чиқариш тadbиркорлигининг асосий хусусиятларидан биридир. Шавкат Худойберганов ўз бизнесини йўлга қўйишда масаланинг ана шу жиҳатига эътибор қаратди.

Янгиариқ туманидаги Остона қишлоғида у асос солган "Янгиариқ газабетон" масъулияти чекланган жамиятида кум ва цемент аралашмасидан ғовак бетон блоклари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мазкур лойиҳа рўёби учун 550 миллион сўмлик сармоя йўналтирилди. Айна пайтда бу ерда кунига 32 минг дон маҳсулот тайёрланиб, бунёдкорлик жамоаларига етказиб берилмоқда.

Мухим жиҳати, корхона маҳсулотлари ўта мустаҳкам бўлиб, совуқ ва шовқин ўтказмайди, иссиқликни узоқ вақт ўзида сақлаб туради. Оқдй гиштга қараганда икки баробар пишиқ ва энгил. Шу билан бирга, намни ўзига тортмайди. Ундан қурилган уйларнинг пойдеворига оғирлик анча кам тушади.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хотин-қизларга ижтимоий кўмак

Қарши шаҳрида Аёллар маслаҳат маркази иш бошлади. Бу ерда уй бекалари иштирокида турли семинарлар, ўқув машғулоти ва тренинглар уюштириш кўзда тутилган.

Хотин-қизларга ҳуқуқий, психологик ва тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида жамоатчилик асосида малакали мутахассисларни жалб этдик, — дейди марказ раҳбари Ойдин Анорова. — Улар аёлларнинг муаммолари ҳамда оилавий шароитларини ўрганиб, амалий ёрдам кўрсатадилар. Шунингдек, ижтимоий сўровлар ўтказиш ҳамда мониторинг натижаларини таҳлил қилиб бориш ҳам устувор вазифаларимиздан бири саналади.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕК ФУТБОЛИНИНГ ЁРҚИН КЕЛАЖАГИ



Замонавий тиббиёт хулосаларига кўра, спорт, хусусан, футбол билан шуғулланган бола соғлом ва бақувват бўлиб ўсади. Ақл-идроки ривожланади, ҳамжиҳатликни, жамоа бўлиб ҳаракатланишни ўрганади. Бундай фазилатлар эса, шубҳасиз, мурғак қалбларда эзгулик тушунчаларининг мустаҳкам қарор топишига хизмат қилади. Шу боис ҳам "миллионлар ўйини"нинг оммалашishi алоҳида аҳамиятга эга.

ИФТИХОР

БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ҳамда Халқаро футбол ассоциациялари федерацияси (ФИФА) келишувига асосан, 19 июннинг "Жаҳон болалар футбол кўни" деб белгиланган беҳиз эмас. Мазкур сана муносабати билан бутун дунёда ўтказиладиган спорт тadbирлари, мусобақалар орқали жаҳон ҳамжамияти эътибори яна бир қара ёш авлодни кўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришга қаратилади.

Ўзбекистонда ҳам ушбу кун аънавий тарзда кенг нишонланади. Болаларга катта ғамхўрлик қилинади. Лекин диққатга сазовор жиҳати шундаки, юртимизда эртаси эгаларига кўрсатиладиган меҳр ва эътибор фақат бирор-бир санадагина эмас, балки йил бўйи давом этади.

Дарҳақиқат, истиқлол туфайли Президентимиз раҳнамолигида спортни ривожлантиришга давлат сиёсатининг энг муҳим устувор

йўналишларидан бири сифатида аҳамият қаратила бошланди. Наҳакида футбол олимиз мавқеи ҳам том маънода янги, тараққиёт босқичига кўтарилди. Бу, албатта, яратиб берилган мустаҳкам ҳуқуқий ва моддий асос билан бевоисита боғлиқ. Жумладан, ўтган вақт мобайнида футбол клубларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, стадионларни ФИФА талабларига мувофиқлаштириш, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган маҳоратли футболчиларни тайёрлаш, қолаверса, мамлакатимиз футболининг оммавийлик даражасини ошириш мақсадида қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

(Давоми 4-бетда.)

Яқинда мамлакатимизга ташриф буюрган Халқаро олимпия кўмитаси президенти Томас Бах давлатимиз раҳбарига спортни ва олимпия ҳаракатини ривожлантиришдаги буюк хизматлари учун Халқаро олимпия кўмитасининг медалини, Осиё миллий олимпия кўмиталари ассоциацияси ва Осиё олимпия кенгаши президенти Шайх Аҳмад ал-Фаҳад ал-Сабоҳ эса Ўзбекистонда ва Осиёда футболни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Осиё олимпия кенгашининг мукофотини топширди.

Конституциявий ислоҳотларни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари такомиллашмоқда

Ривожланган мамлакатларнинг давлатчилик тажрибасидан маълумки, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёни ўта мураккаб бўлиб, узоқ муддатли ҳамда стратегик хусусиятга эга ҳисобланади.

КОНУН КУЧГА КИРДИ

Шу маънода айтганда, мустақиллик йилларида юртимизда мазкур соҳада амалга оширилган ислоҳотлар ўзининг демократиклиги, тadbирчилик, изчиллиги, энг муҳими, ҳаётийлиги билан эътиборга моликдир.

Яқинда амалдаги "Маҳаллий давлат ҳоки-

мияти тўғрисида"ги Қонунга киритилган янги 251-модда кучга кирди. Унда мамлакатимиз Конституциясининг 103-моддасига киритилган янги демократик меъёрларни ҳаётга татбиқ қилишга қаратилган, яъни вилоят, туман ва шаҳар ҳокими томонидан ижтимоий-иқтисодий ри-

вожланишнинг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан тегишли халқ депутатлари Кенгашига ҳисоботлар тақдим этилиши билан боғлиқ бўлган муносабатлар тартибга солинган.

Янги нормага мувофиқ, вилоят, туман, шаҳар ҳокимининг ҳисоботи тегишли халқ депутатлари Кенгашининг вилоят, туман, шаҳарнинг ўтган йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши яқунлари ва жорий йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналиш-

ларига бағишланган мажлисида эшитилади. Мазкур мажлис вилоятларда ва Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли мажлиси ўтказилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай, туманлар ва шаҳарларда эса вилоятларда тегишли мажлислар ўтказилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай ўтказилади. Бу эса халқ депутатлари Кенгашлари ишининг самарали ташкил этилишига ҳуқуқий замин бўлади.

(Давоми 2-бетда.)

24 йил



Ҳадемай мустақиллигимизнинг 24 йиллигини нишонлаймиз. Ўтган давр мамлакатимиз, юртдошларимиз ҳаётида ўчмас из қолдирди. Зеро, бу муқаддас заминда ҳар бир инсон тақдири Ватан тақдири билан чамбарчас боғлиқдир.

"Халқ сўзи" таҳририятига юртдошларимиздан истиқлолимиз шукухидан илҳомланиб ёзилган кўплаб мактублар келмоқда.

Газета саҳифаларида шу мактубларда битилган дил сўзларини эътиборингизга ҳавола этиб борамиз.



Тadbиркорлик фаолиятини ўн икки йил аввал кичик тикув цехи ташкил этишдан бошлагандик. Сўнгра йил сайин ишлаб чиқаришни кенгайтириб бордик. Ҳисоблаб кўрсам, шу давр мобайнида корхонамизни ривожлантириш мақсадида олти марта кредит олибмиз.

ЎЗ АЙТАР СЎЗИМИЗ БОР

Мустақил сўз



Ана шу молиявий кўмак туфайли ўнлаб турдаги тикувчилик маҳсулотлари ва қурилиш материаллари тайёрлашни ўзлаштирдик. Қолаверса, ўқув маркази ҳам ташкил қилдик. Яқинда корхонамизга яна 31,5 миллион сўмлик кредит ажратилди. Бу маблағга янги тикув машиналари харид қилимиз. Шунингдек, кучи кеча "Ўзгаллик салони" мизнинг пойдеворини қуриб битказдик. Қисқаси, ҳали қиладиган ишларимиз кўп.

Қувонарлиси, биз, тadbиркорлар энди нафақат иқтисодиётда, балки жамиятда ҳам муносиб ўринга эгамиз. Жумладан, ўзим шаҳар Кенгаши депутатиман. Мана шу эмасми истиқлол берган имкон? Шу эмасми ўзбек аёли кадр-қимматининг юксалгани? ...Қайси кун корхонамизга бир қишлоқдан отахон келди. Ҳовлисига йўлак қопламалари олмоқчи экан. Меҳмонни ишлаб чиқариш жараёни ва маҳсулотларимиз билан таништирдим. Бир пилла чой устида "Аёл киши бўлиб, шунча ишни йўлга қўйиб олибсиз-а, баракалла, қизим", дедилар. Мен у кишига буларнинг барчасига давлатимиз томонидан яратиб берилаётган имкониятлар туфайли эришганимизни айтдим. "Гапинг рост. Мустақиллигимиз гўёки беркилиб ётган улкан булоқ кўзини очиб юборди, халқимизнинг қўли гулгини дунёга кўрсатди. Аввал бундай ишлар қайда эди, болам", деб отахон юртимиз равақи ва халқимиз фаровонлиги янада юксалишини тилаб, дуо қилдилар.

Яқинда набира келинини кўркам ҳовлига тушириш орзусида юрган бу кишининг ғайратига ҳавасим келди. Ўз навбатида, одамларнинг ана шундай эзгу тиллақларини рўёбга чиқаришга ҳисса қўшаётган минг-миглаб юртдошларим орасида борлигимдан фахрландим.

Эркини МАМАЖОНОВА, Янгиер шаҳридаги «Бекажон Ян» хусусий корхонаси раҳбари, «Шухрат» медали соҳибаси.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

2015 йилнинг дастлабки уч ойида мамлакатимизда янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сони

8000 тадан ошди. Қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, ишбилармонларга тўлиқ эркинлик бериш ва уларни янада рағбатлантириш бўйича амалга оширилган изчил чора-тadbирлар туфайли соҳада ана шундай ижобий натижага эришилди.



Инновацион тараққиёт

мамлакатимиз sanoat корхоналари эришаётган ютуқларда яққол ўз ифодасини топмоқда

Ўзбекистон ўз миллий модели асосида тараққиётнинг юксак чўққиларини забт этиб, улкан бунёдкорлик ишлари, модернизациялаш жараёнлари орқали асрларга татигулик ютуқларни қўлга киритмоқда. Пировардида юртимиз кун сайин равақ топиб, аҳоли турмуш фаровонлиги тобора ошиб бораётди. Ваҳолонки, жаҳоннинг кўплаб давлатларида ҳали-хануз молиявий-иқтисодий инқирознинг оғир асоратлари кузатилаётган бир пайтда охириги ўн йилда республикамизда ялпи ички маҳсулот ҳажми ўсиши 8 фоиздан кам бўлмаётгани қувонарли ҳолдир.

24 йил



Халқимиз уйим-жойим, болам-чақам, деб яшайди. Ишдан уйга келганимизда хонадонимиз яшнаб турса, саришта бўлса, чарчоқлар бир зумда унутилади. Утган кунимиздан рози бўлиб, эртанги кунни ёруғ юз, хушайфият билан қарши оламиз.

ОБОД УЙНИНГ ФАЙЗУ БАРАКАСИ

Бир пайтлар шундай имкониятлар бормиди? Ёши улуглар кўп гапиряди: кишлоқларда уйлар пахсадан, гувалдан тикланиб, усти ҳар йили лойсувоқ қилинган экан. Битта ҳовлида тўрт-беш оила тикилиб яшагани-чи? Шароит чиндан ҳам оғир бўлганини тасаввур қилиш мумкин.

Ҳозир-чи? Дангиллама иморатлар, намунавий лойиҳалар асосида қурилатган хонадонларни кўриб, кўзингиз қувнади. Бири-биридан кўркам, хашаматли. Яна шундай шинам уйлари одамларимиз кўлини совуқ сувга урмасдан, тайёр ҳолда олишяпти. Мустақкам, бир неча авлод роҳат-фароғатда яшайди ўзиям. Шундай кунларни кўрганимиз — бахтимиз.

Биз ҳам оиламиз билан яқинда туманимиздаги Узунқул мавзесида қурилган ана шундай турар-жойлардан бирига кўчиб кирдик. Хоналари кенг ва ёруғ. Иссиқ сув, совуқ сув — барчаси муҳайё. Кувончдан бошимиз кўкка етди. Айниқса, турмуш ўртоғимнинг хурсандлигини айтмайсизми?! Шароитлар унга жуда маъқул келди. Қолаверса, у ишлайдиган мактаб ҳам уйимизнинг ёнгинасида. Икки ўғлимиз намунавий иморатларимизга муносиб қурилган боғчага боришди.

Ҳозир бундай обод ва файзли мавзеларни кўриб, кишлоқни шаҳардан фарқлаш қийин. Энг олис овулларда ҳам маҳаллий иқлим шароитидан келиб чиқиб, барпо этилаётган турар-жойлар одамларимиз турмуш фаровонлиги юксалишига хизмат қилмоқда. Юртимиз кўркіга янада кўрк қўшмоқда.

Илҳом БАБАНИЯЗОВ, ёш оила соҳиб, Нукус тумани

Маҳаллада янги гидроиншоот

Пастдарғом туманидаги "Искандари" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда янги гидроиншоот ишга туширилди.

БУНЁДКОРЛИК

Бунинг учун "Соҳрат обихаёт" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан 98 миллион сўмлик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Соатига 25 тонна сув чиқариш қувватига эга ушбу иншоот ҳудуддаги 500

дан зиёд хонадонни зилол сув билан таъминлайди. Ер қаъридан олинаётган сув махсус қурилма ёрдамида тозаланиб, аҳолига етказилади.

Жорий йилда Инвестиция дастурига асосан, вилоятда 62 та ана шундай иншоот бунёд этилади. Ушбу мақсадлар учун эса 9,5 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилади.

Мамодиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Конституциявий ислоҳотларни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари такомиллашмоқда

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Масаланинг энг муҳим томони шундаки, айнан вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ҳисоботи муҳокамаси Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг мажлисида берилган баҳолар ва белгиланган вазифалар ҳисобга олинган ҳолда, туман ва шаҳар ҳокимининг ҳисоботи Вазиirlар Маҳкамасининг, шунингдек, халқ депутатлари вилоят Кенгашларининг мажлисларида берилган баҳолар ва белгиланган вазифалар ҳисобга олинган ҳолда ўтказилди. Мазкур тартиб муҳокамаларнинг тизимли бўлишини, аниқ йўналишга қаратилишини, бошқача айтганда, асосли ўтказилишини таъминлайди.

Янги нормага мувофиқ, ҳокимнинг ҳисоботини эши-

тишга бағишланган халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш мажлисларига тегишли ҳудудлардан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатларининг тақлиф этилиши белгиланмоқда. Бу эса муҳокамаларнинг янада демократик тарзда ўтишига, депутатларнинг масъулиятини оширишга, энг муҳими, парламент аъзосининг сайланган ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатидан доимий хабардор бўлиб туришига хизмат қилади.

Тегишли ҳудудда жойлашган бошқа давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, қорхоналарнинг, муассасаларнинг, ташкилотларнинг, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотларининг, сиёсий

партияларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ва бошқа шахслар тақлиф этилиши мумкинлиги тўғрисидаги норманинг замирида ҳам давлат ҳокимияти ва бошқариш органлари фаолиятининг очиқлиги ва ошқоралигини таъминловчи тамойил муҷассамлигини кўриш мумкин.

Қонуннинг янги нормасига биноан, ҳоким ҳисоботини муҳокама қилиш якунлари бўйича халқ депутатлари Кенгашининг қарори қабул қилиниб, унда тегишли ҳоким ва маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари ишининг самарадорлигига комплекс баҳо берилди, уларнинг ишини такомиллаштиришга доир таъсиялар ва тақлифлар, шунингдек, қарор амалга оширилишининг бориши устидан назоратни таъминлаш бўйича чора-тадбир-

лар назарда тутилади. "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, халқ депутатлари Кенгаши томонидан қабул қилинган ҳужжатлар тегишли ҳудудда жойлашган барча қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурий бўлиб, мазкур қарорда унинг амалга оширилиши устидан назоратни таъминлаш бўйича чора-тадбирларнинг белгиланиши ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига ҳуқуқий асос бўлади.

Мазкур қарор ва ҳокимнинг ҳисоботи расмий нашрларда ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг веб-сайтларида эълон қилиниши шартлиги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг шаффоқлигини таъмин-

лаш билан бир қаторда, унинг бевоқиф ҳуқуқни қўлловчилар ҳамда фуқаролар учун танишиш ва фойдаланиш имкониятини кенгайтиради.

Хулоса ўрнида айтганда, қонунга киритилган ўзгаришлар маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг назорат функцияларини кучайтиради ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимият органлари томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланишга оид вазифалар рўйбга чиқарилиши борасидаги конституциявий норманинг қонунчилик механизмларини такомиллаштириши. Ушбу норманинг ҳаётга татбиқ этилиши маҳаллий давлат ҳокимияти органлари олдида турган вазифаларни самарали ҳал этиш, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш ва пировардида ҳар бир фуқаронинг манфаатларини таъминлаш ва фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Мухтабар ХУСАНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси.

Аҳоли бандлигини таъминлаш — долзарб вазифа



Иш ўринларини ташкил этиш, меҳнат бозорига фаол ҳамда аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Мамлакатимизда қабул қилинаётган бир қатор қонунлар, янги иш ўринлари яратиш ва бандлигини таъминлаш бўйича дастурлар аҳоли, айниқса, ёшлар, хотин-қизлар бандлигини оширишда муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонун ҳамда соҳага оид қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалар ижросини ташкил этиш, бунда маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссиялари ва депутатларнинг ролини янада ошириш масалаларига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатига шулар ху-

сусида сўз юритилди. Унда Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофиза қилиш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бош бошқармалари раҳбарлари, маҳаллий вакиллик органлари депутатлари, шунингдек, журналистлар иштирок этди.

Давра суҳбатига доимий комиссиялар йиғилишларида янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросини ташкил этиш, бунда маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссиялари ва депутатларнинг ролини янада ошириш масалаларига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатига шулар ху-

— Жорий йилнинг биринчи чорагида Дастур ижроси самарали бажарилди, — дейди халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари доимий комиссияси раиси Фармон Аминов. — Жойлардаги маҳаллий Кенгаш депутатлари ва доимий комиссиялари томонидан депутатлик назоратини амалга ошириш, қонунлар, давлат дастурларини аҳоли ўртасида кенг тарғиботини олиб боришни кучайтириш лозим. Бу эса маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолигини янада ошириш, доимий комиссия йиғилишлари ва сессияларида ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш борасида жойлардаги мутасадди шахслар ахборотларини эшитиш амалиётини такомил-

лаштиришни тақозо этади. Иштирокчилар томонидан қизғин муҳокама қилинган ушбу масалалар, шубҳасиз, келгусидаги фаолиятимизни самарали ташкил этишда муҳим ўрин тутди.

Тадбир якунида "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, бу борадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, 2015 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг бажарилиши маҳаллий Кенгашлар йиғилишлари муҳокамасига киритиш борасидаги фаолиятни янада кучайтириш бўйича тегишли тақлиф ва таъсиялар ишлаб чиқилди.

Зиёда АШУРОВА.

ТАДБИР

Енгил саноат мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал суръатларда ривожланаётган етакчи соҳаларидан бири ҳисобланади. Зеро, заманимизда етиштирилган пахта хом шайбсини чуқур қайта ишлаш ҳажми йил сайин ортиб, ички бозор юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдирлиши баробарида, экспорт салоҳияти юксалиб бораёпти.

Рақобатбардош маҳсулотлар ва экспорт

"Ўзбекенгилсаноат" давлат-акциядорлик компанияси тизимидаги қорхоналар йилга 450 миң тонна калава ип, 296 миллион квадрат метр газлама, 90 миң тонна трикотаж мато, 270,2 миллион

92 та замонавий янги қорхона иш бошладики, бунинг эвазига 11,6 миңга иш ўрни очилиб, 215,8 миллион АҚШ долларини маҳсулотни экспорт қилиш имконияти юзага келди.

— Мамлакатимизда



ОГОҲЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Наркомания ва гиёҳвандлик моддалар савдоси муаммоси кимнидир ногирон қилса ёки ҳаётга зомин бўлса, бошқа биров шунинг ҳисобидан даромадга эга бўлади. БМТ маълумотларига кўра, бугунги кунда наркотик моддаларга муқассидан кетганлар сони 500 миллион нафардан ошади. Уларнинг кўпчилигини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этиши ачинарлидир. Ҳар йили бундай оғу қасридан 200 миңдан зиёд одам ҳаётдан кўз юмади. Боз устига, дунёда содир этилаётган жиноятларнинг 50 фоизидан кўпи гиёҳвандлик билан боғлиқдир.

қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази тузилди. 1995 йилда Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг наркотик моддаларнинг ноқонуний айланishi ва наркоманияга қарши кураш тўғрисидаги конвенцияларига қўшилди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг аъзоси сифатида эса наркотик моддалар, психотроп воситалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланishiга қарши кураш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот-мувофиқлаштириш маркази фаолиятида иштирок этиб келмоқда.

Шу ўринда мамлакатимизда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар назорати бўйича ҳуқуқий база тўлиқ янгиланганига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Айни чоғда аҳоли, айниқса, ёш авлод ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалиётга жорий этилди. Бундан ташқари, гиёҳвандлик моддаларига тобе бўлиб қолган шахсларни тиббий-ижтимоий реабилитацияси учун самарали тизим яратилди. Хусусан, Республика наркологи маркази, диспансерлар, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Психоактив моддаларни суиистеъмол қилиш соҳасидаги вазиятни мониторинг қилиш маркази тузилди.

— Оғу домига тушиб қолган инсон, аввало, соғлигини, ўзлигини йўқотибди, — дейди Халқ таълими вазирлиги маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси

бошлиги ўринбосари — бўлим бошлиги Жамолддин Камолов. — Ундаги қатъий фуқаролик позицияси, ирода ва аниқ ҳаётий қарашлар, масъулиятни ҳис қилиш тўғрисида йўқолиб боради. Бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида юртимизда тарғибот-тушунтириш ишлари изчил давом эттириляпти. Жумладан, таълим муассасалари, маҳаллалар, ташкилотлар ҳамда қорхоналарда ёшлар иштирокида ҳуқуқий мавзуларда, гиёҳвандлик моддаларининг фалокатли оқибатлари ҳақида урғулар, суҳбатлар ва бошқа тадбирлар ўтказилмоқда. Уларнинг орасида "Ёшлар — гиёҳвандлик моддаларига қарши!", "Биз — соғлом турмуш тарзи тарғибдоримиз!", "Спорт — баркамоллик гарови", "Ёш истеъдодлар — бизнинг гуруримиз" каби широрлар остида ташкил этилаётган кўплаб акциялар муҳим

ўрин эгалламоқда. Шунингдек, вояга етмаганлар билан ишлаш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Ҳарбий-спорт соғломлаштириш оромгоҳлари, "Шунқорлар" ҳарбий-спорт ўйинлари, турли виборлар ва спорт турнирларини ўтказиш ҳам ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Зеро, улар ёш авлодда ватанпарварлик ва юртга садоқат фазилатларини шакллантириш, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, спортга қизиқишни кучайтиришга хизмат қилаётди.

Ҳар йили 1 февралдан 1 мартгача эса ёшлар ўртасида психотроп ва гиёҳвандлик воситаларининг тарқатилишига қарши кураш ойлғи ўтказилмоқда. Унинг доирасида ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари иштирокида ижтимоий муассасалар, меҳнат жамоалари, маҳаллаларда тушунтириш тадбирлари, профилактик суҳбатлар, маърузалар, давра суҳбатлари ўтказиш яхши анъанага айланган.

Шу билан бирга, наркомания ёйилишининг олдини олиш учун давлат идоралари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари, тиббиёт ва ўқув даргоҳлари мутахассислари, оммавий ахборот воситалари, маданият ҳамда санъат соҳаси вакиллари сайёҳаракатларини йиғиштириш долзарбдир. Бунда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонуннинг аҳамияти беқиёс. Сабаби, унда белгилаб берилган механизмлар, тартиб ва таомиллар давлат органлари билан "учинчи сектор" ўртасидаги ҳамкорликни янада раванқ топтиришда катта ўрин тутди. Бу эса жамиятда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ҳамда чуқур қарор топтириш, ҳар томонлама етук авлодни улғайтириш, гиёҳвандликка қарши курашишга қаратилган дастурлар, чора-тадбирлар, лойиҳалар ижросини таъминлашда салмоқли роль ўйнаши, шубҳасиз.

Санджон МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ ОЙЛИГИ

24 йил



Тадбиркорлик билан шуғулланаётганимга ўн йилдан ошибди. Дастлаб бозордаги мўъжазгина дўконда қурилиш материаллари билан савдо қилардик.

ИНТИЛГАН ЮТҚАЗМАЙДИ

Ўшанда кўнглимда "Қачонгача зарур маҳсулотни олиб келиш учун юртма-юрт кезамиз, шуни ўзимизда ишлаб чиқарсак-чи?" деган фикр пайдо бўлганда. Яхши ният кишига йўлдош бўлар экан. Ака-укалар ҳамжихатликда қурилиш-пардозлаш материаллари тайёрлашни йўлга қўйдик.

Буни қарангки, ишларимиз юришида кетди. Кичкина цехимиз кўп ўтмай катта корхонага айланди. Ҳозир етмишдан ортиқ турдаги лок-бўёқ маҳсулотлари тайёрлапмиз. Уттизга яқин кишини иш билан таъминлаганимиз.

Биз — Истиклол одамларимиз. Дунёқарашимиз юксалди. Ташаббускорлик, бунёдкорлик иштиги билан яшашга интиляпмиз.

Яқинда Ахборот технологиялари касб-хунар коллежида таҳсил олаётган ўғлим Анваржон айтиб қолди: "Дада, ўқишим ҳам биятапти, дипломни олгач, корхонамиз ишлаб чиқаришида қўлланилаётган компьютер технологияларини бошқаришни менга қўйиб берсангиз. Улар ёрдамида бўёқларнинг ёрқинлигини янада ошириш юзасидан бир қатор янгиликлар устида изланишлар олиб борапман. Ахир бизнесда кун сайин янгиликка интилган одам ютқазиб қўяди-ку?".

Дилбандимдаги завқу шавқни кўриб, кўнглим тоғдек кўтарилди. Булар мустақиллик фарзандлари-да. Билимли, шижоатли. Улар юртимизни энг ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишга муносиб хисса қўшади, албатта. Демак, эртаимиз бугунгидан-да порлоқ бўлади.

Акмажлон АХМАДЖОНОВ, Наманган шаҳридаги «Element paint» масъулияти чекланган жамияти раҳбари.

Қисқа

сатрларда

Миллий матбуот марказида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан мамлакатимизда ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишларга доир анжуман ўтказилди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетиди Жаҳонда саҳроланши ва қургочликка қарши кураш қўнига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда ер ресурсларини муҳофаза қилишнинг институционал масалалари, тупроқ унумдорлигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар самаралари, бу йўналишдаги илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида "Ижод" фонди томонидан "Биринчи китобим" лойиҳаси доирасида ёш истеъдод соҳибларининг чоп этилган тўпламлари тақдироти бағишланган тадбир уюштирилди.

Наманган вилоятининг Норин туманида "Норин" болалар ёзи оромгоҳи фойдаланишга топширилди. Туманнинг Эски Ҳаққулбод қишлоғида яш бошлаган янги масканда мавсум давомида 800 нафар ўғил-қиз марокки дам олиши, вақтини мазмунли ўтказиши учун барча қулайлик яратилган.

«Халқ сўзи» муҳбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслари қўмитаси «Геолтхетаъминот» давлат корхонаси «Ўздавгеолқўм» корхоналари ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун «Асбоб-ускуна, махсус транспорт ва техник воситалар»ни харид қилиш бўйича тендер савдоларини эълон қилади.

Тендер тури — очик. Тендерда асбоб-ускуна, қурилма ва эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқарувчи маҳаллий ва хорижий корхоналар иштирок этишлари мумкин.

Тендер предмети.

Тендер савдолари куйидаги 13 лот бўйича ўтказилади:

- 1-лот. Қаттиқ фойдали қазилмаларга, чуқурлиги 2000 метргача бўлган геологик қидирув қудуқларини колонкали усулда бурғилаш учун шпинделли бурғилаш қурилмаси (4 дона).
2-лот. Яқуний диаметри 93 мм. бўлган, чуқурлиги 300 метрдан кам бўлмаган қудуқлари бурғилаш учун ўзиюрар, кўп функцияли бурғилаш қурилмаси (2 дона).
3-лот. Чуқурлиги 20 метрдан кам бўлмаган, диаметри 132 мм.гача бўлган қудуқларни шнек ёрдамида бурғилаш мобил бурғилаш ускунаси (4 дона).
4-лот. Чуқурлиги 500 метрдан диаметри эса 76 мм.дан кам бўлмаган қудуқларни олмосли колонкали усулда бурғилаш учун гидрофикациялаштирилган бурғилаш ускунаси (4 дона).
5-лот. Чуқурлиги 300 метргача бўлган қудуқларни олмосли колонкали усулда, ер остида бурғилаш учун гидрофикациялаштирилган бурғилаш ускунаси (1 дона).
6-лот. Гилдирак формуласи бхб бурғилаш автомобил шассисига ўрнатилган турли мақсадларда фойдаланилувчи қудуқларни бурғилаш учун мобил бурғилаш қурилмаси (1 дона).
7-лот. Бурғилаш қорилмаси тайёрлаш, аралаштириш ва тозалаш учун мобил тизим (5 дона).
8-лот. Тўлиқ металл кузовли, гилдирак формуласи 4x4 бўлган юқори ўтиш қобилиятли юк-пассажир автомобил (18 дона).
9-лот. Элемент таҳлили учун рентгенофлуоресцентик энергия дисперсли спектрометр (2 дона).
10-лот. Микротўлқин плазмали магнит тўйинган атом эмиссионли спектрометр (2 дона).
11-лот. Рентгенофлуоресцентик тўлқин дисперсли спектрометр (1 дона).
12-лот. Кўчма кўп каналли рақамли каротаж станцияси (6 дона).
13-лот. Магнителлурик маълумотларни қайд этувчи кўп функцияли электромагнит тўплами (2 дона).

Тендерлар буюртмачиси «Геолтхетаъминот» давлат корхонаси ҳисобланади.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100057, Тошкент ш., Широқ кўчаси, 110-уй. Телефон: (+99871) 256-10-71. Факс: (+99871) 256-10-67, (+99871) 256-18-75. E-mail: info@ugts.uz

Тендер комиссиясининг ишчи органи — «Sifat Kafolati Serifikati» МЧЖ.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Чилонзор тумани, 16-даха, Бунёдкор шоҳқўчаси, 25-уй. Телефонлар: (+99871) 276-97-45, (+99898) 368-69-88, (+99890) 168-02-44, (+99890) 955-17-23. Факс: (+99871) 276-97-45. E-mail: tendersks@mail.ru; sifatkafolatitert@mail.ru

Кўшимча маълумотлар ва тендер ҳужжатларини харид қилиш учун ишчи органига тендер таклифларини қабул қилиш мuddати яқунлангунга қадар ҳар кунни Тошкент вақти билан соат 10.00 дан 17.00 гача (шанба ва яқшанбадан ташқари) мурожаат қилиш мумкин.

Ҳар бир лот учун тендер ҳужжатларининг нархи хорижий қатнашчилар учун 300 АҚШ доллари, маҳаллий қатнашчилар учун эса тўлов амалга ошириладиган кундаги Марказий банк томонидан ўрнатилган курс бўйича. Тендер ҳужжатлари учун тўлов учинчи шахсдан қабул қилинмайди. Кўрсатилган маблағ ишчи органига тўланади ва қайтариб берилмайди.

Молиялаштириш — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетети маблағлари.

Максимал нарх

Барча харид қилинувчи лотлар бўйича максимал нархлар тендер ҳужжатларида кўрсатилган.

Ҳар бир лот бўйича етказиб бериш шарти:

- а) маҳаллий етказиб беришчилар учун буюртмачининг Тошкент шаҳридаги омбори;
б) хорижий етказиб беришчилар учун ДАР-Тошкент, «Чуқурсой» темир йўл станцияси, Ўзбекистон Республикаси, «Геолтхетаъминот» ДК манзилига (ИНКОТЕРМС-2010 бўйича).

Махсулотни тайёрлаш ва етказиб бериш мuddати — 150 кун:

- а) маҳаллий етказиб беришчилар учун — дастлабки тўлов амалга оширилгандан сўнг;
б) хорижий етказиб беришчилар учун — аккредитив очилгандан сўнг.
Маҳаллий ишлаб чиқарувчи, маҳсулот етказиб беришчиларга Ўзбекистон Республикасидаги қонунчиликка қўра, нарх преференциялари тақдим этилади.

Тендер таклифлари ишчи орган томонидан 2015 йил 19 июль кунни Тошкент вақти билан соат 17.00 гача куйидаги манзилда қабул қилинади:

Ўзбекистон Республикаси, 100096, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 16-даха, Бунёдкор шоҳқўчаси, 25-уй. Телефонлар: (+99871) 276-97-45, (+99898) 368-69-88, (+99890) 168-02-44, (+99890) 955-17-23. Факс: (+99871) 276-97-45.

«Universal auktsion invest» МЧЖ

очик аукцион савдоларига таклиф этади.

2015 йил 3 июль кунни соат 15.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Олмазор тумани СИБ томонидан ФИБ Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2015 йил 15 январдаги 1-268/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, картондан қоробкалар ишлаб чиқариш ускуналари (5 қисмдан иборат) қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 121 700 000 сўм. Мазкур мулк 2015 йил 3 июль кунни сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2015 йил 20 июль кунни соат 15.00 да ўтказилади.

2015 йил 20 июль кунни соат 15.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Олмазор тумани СИБ томонидан ФИБ Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2015 йил 15 январдаги 1-268/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia» русумли, давлат рақами 01 У 090 DA бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 25 000 000 сўм.

2015 йил 20 июль кунни соат 14.30 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Юнусобод тумани СИБ томонидан ФИБ Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани судининг 2015 йил 23 мартдаги 1-1589/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Феруза мавзесида жойлашган, «Feruza Barakat Servis» МЧЖ майдончасида сақланаётган, 2013 йилда ишлаб чиқарилган, «Nexia» русумли, давлат рақами 01 509 ТТС, 01 510 ТТС, 01 511 ТТС, 01 512 ТТС,

Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Тошкент шаҳри, Истиклол кўчаси, 15-уй. Телефон: (0-371) 236-74-67.

Гувоҳнома № 004059.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

сизларни 7, 9, 14 ва 16 июль кунлари тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали ташкил этиладиган такрорий савдоларга таклиф қилади.

- Савдоларга Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 101-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига қарашли (собиқ «Митан Шароб» МЧЖ балансидаги), Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, Мингчинон кўрғони, Чордара маҳалласида жойлашган, ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган куйидаги мол-мулклар яхлит ҳолда такроран қўйилади:
• узумни қайта ишлаш асбоб-ускунаси № 1;
• узумни қайта ишлаш асбоб-ускунаси № 2;
• қуйиш линияси;
• иситиш ускунаси (котел Е-1/10-0,9);
• иситиш ускунаси (котел Е-1/10-0,9М2);
• трансформатор подстанцияси тўплами (трансформатор ТМ-63/10 кВт);
• турли ҳажмдаги 72 дона алюминий ва эмалланган цистерналар.
Бошлангич баҳоси — 447 693 000 сўм.
Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш орқали сотиш шартлари.
Савдо голиби мулк сотилиш баҳосининг 20 фоизи

миқдориди маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бўнак пули сифатида шартнома имзолангандан кейин бир ой мобайнида тўлаши лозим, қолган қисмини шартнома асосида келишилган мuddатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шартли билан шартнома асосида келишилган мuddатга сотилган тақдирда, сотиб олиш тўловларини бирийўла ёки сотиб олиш суммасининг қолдигича фойзалар ҳисобламасдан бўлиб-бўлиб тўлашни, шунингдек, сотиб олиш тўловлари тўлиқ тўлангунга қадар объектни тасарруф этиш ҳуқуқисиз ва учинчи шахсларга гаровга (ипотекага) қўйиш ҳуқуқисиз амалга оширилади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, гаров шартномасини расмийлаштиришдаги тўловлар ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлар куйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

- юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, шунингдек, савдода иштирок этиш учун ваколатли вакил номига, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
• жисмоний шахслар учун — паспорт (истикомат гувоҳномаси) нусхаси, савдода ваколатли вакил қатнашган тақдирда эса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
• эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига зақалат ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси;
• икки нусхада ёпиқ конвертларга солинган ва куйидагиларни ўз ичига оладиган талабгор таклифлари:

• сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш мuddати, бизнес-режа.
Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақалари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Савдода иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдога қўйилмаётган мол-мулклар бошлангич баҳосининг 2 (икки) фоизи миқдориди зақалат пулини «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Талабгорлардан юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни ҳамда буюртмаларини қабул қилиш иш кунлари мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо бошланишидан камида уч соат олдин тўхтатилади.

Ушбу мол-мулклар билан яқиндан танишиш истагидаги талабгорлар юқорида кўрсатиб ўтилган манзилга мурожаат этишлари мумкин.

Савдоларга тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқиш белгиланган савдо кунлари соат 11.00 да бошланади ва куйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хона (мажлислар зали).

Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари: Сотувчи (банк): Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 101-уй. Телефонлар: (0-371) 234-45-33, 235-17-02. Тел./факс: (0-371) 234-04-53.

Савдо ташкилотчиси: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 16-«А» уй, 4-қават, 401-хона. Телефон: (0-371) 233-02-49. Тел./факс: (0-371) 233-23-40. Электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.

Гувоҳнома № 005357.

O'ZSANOATQURILISHBANK
КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
«ЎЗСАНОАТ-ҚУРИЛИШБАНК» АТБ
очик тендер савдоларини эълон қилади.
Тендер савдоларида чет эл фирмалари ва ташкилотлари, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (етказиб бериувчилар), тендер асосида харид қилинадиган маҳсулотларни етказиб бериш малакасига эга бўлган кичик бизнес субъектлари, шунингдек, таклиф этилаётган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ва/ёки уларнинг авторизациясига эга етказиб бериувчилар иштирок этишлари мумкин.
1. Тендер комиссияси ишчи органи номи ва манзили: «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй. Телефон: (+99871) 233-11-60. Факс: (+99871) 140-70-82. E-mail: info@uzpsb.uz
2. Тендер савдоси предмети — «Инфокиоск қурилмалари ва дастурий таъминотларини етказиб бериш».
3. Маҳсулотни етказиб бериш шартлари ва мuddатлари тендер ҳужжатларида ақс эттирилган.
4. Тендер ҳужжатларини нархи хорижий ташкилотлар учун — 300 АҚШ доллари миқдориди ва маҳаллий ташкилотлар учун — тўланаётган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган курс бўйича тўлов амалга оширилади.
5. Тендер таклифларининг қафолат суммаси ва уни тўлаш тартиби, тендер ҳужжатлари тўлови учун банк рекевизитлари юзасидан маълумотлар тендер савдолари ҳужжатларида кўрсатилган.
6. Тендер таклифларини қабул қилишнинг охириги мuddати — 2015 йил 20 июль кунни Тошкент вақти билан соат 18.00 гача.
7. Тендер савдолари ўтказилиши шартлари бўйича қўшимча маълумотлар олиш учун ҳар кунни соат 9.00 дан 18.00 га қадар юқорида кўрсатилган манзилга ва телефонлар орқали мурожаат этиш мумкин.

«AGRO SANOAT MILK MARKAZI» МЧЖ
очик аукцион савдоларига таклиф этади.
«Agro sanoat milk markazi» МЧЖда 2015 йил 9 июль кунни соат 11.00 да бошлангич баҳоси босқичма-босқич охириги тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик суди ахборотномаси тахририятига тегишли, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 01/272 ССА бўлган, Тошкент шаҳри, Чўпонота кўчаси, 6-уйда сақланаётган, «TOYOTA LANDCRUISER VZJ95» русумли автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда.
Бошлангич баҳоси — 57 030 000 сўм.
Ҳурматли талабгорлар!
Автотранспорт воситаси ушбу аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, уни сотиш бўйича такрорий аукцион савдоси 2015 йил 24 июль кунни бўлиб ўтади.
Автотранспорт воситаси олди-сотди шартномаси асосида сотилади. Олди-сотди шартномаси аукцион савдоси натижалари имзоланган кундан бошлаб беш кун мобайнида тузилиши шарт. Олди-сотди шартномаси бўйича тўлов олди-сотди шартномаси имзоланган кундан бошлаб 10 кун мобайнида 100 фоиз тўлаши лозим.
Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир кун қолганда соат 18.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини савдо ташкилотчиси — «Agro sanoat milk markazi» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО: 01018, СТИР: 302159464.
Манзил: Тошкент ш., Қушбеги к., 18-уй. Телефон: (0-371) 250-83-29.
Гувоҳнома: 006388.

БИЛДИРИШ
«Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 13 июндаги 117-сониди чоп этилган эълондаги Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 4-уйда жойлашган, 1, 2, 3, 4, 5-хонадонларнинг аукцион савдоси Миробод тумани СИБнинг 2015 йил 17 июндаги хатига асосан тўхтатилди.
«Capital realtor group» МЧЖ маъмурияти.
Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси Назорат ва хатлар бўлими бош мутахассиси Маҳбуба Турғуновага волидан муҳтарамаси
Марҳамат ая ТУРГУНОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси Йўл қурилиш машиналари кафедраси профессори, техника фанлари доктори Тўлқин Аскарқўжаевга турмуш ўртоғи
Дилором НАБИЕВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Касаба уюшма қўмитаси Қасбий таълим кафедраси катта ўқитувчиси Икромжон Мамажоновга волидан муҳтарамаси
Ўлмасой МАМАЖОНОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

24 йил



Пойтахтимизда ўтказилган ярмаркалардан бирида япониялик тадқиқотчи Фумото Соно кўлда тўқилган гиламларимизга маҳлиё бўлиб қолди. Бир муддат хайратланиб турди-да, сўнг таржимон орқали пойандозлардаги мураккаб геометрик ечимга эга нақшларни қаердан ўрганганини сўради.

ТАСАВВУРЛАР ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНДИ

Унга гиламчилик, каштачилик, куроқчилик каби амалий санъатимиз намуналари момоларимиздан қолган мерос эканлиги, бу миллий қадриятлар асрлар оша асраб-авайлаб келинаётганини сўзлаб бердим. "Кунчиқар юрт" вакили жуда қизиқувчан чиқиб қолди. "Бу хунар сир-синаотларини менга ҳам ўргатинг", деб туриб олди.

Уни қишлоғимизга олиб бордим. Салкам бир йил шу хунарни ўзлаштиришга астойдил интилди. Шогирдларим тўқитган гиламлардаги нақшларнинг келиби чиқиши устиди жиддий изланди.

Фаолиятимизга оид бундай ҳаётий мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Баъзида бюртмалар ҳажми шунчалик ортиб кетдики, қўлимиз қўлимизга тегайи ишлаймиз. АҚШ, Европа давлатларидан келган меҳмонлар учун совғабоп гиламлар тайёрлаб берганмиз. Умуман, миллий хунармандчилигимизга маҳлиё бўлиб, аждодларимиз ақлу закосига тасаннолар айтаётган чет элликлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётганидан чекиз фохрланамиз.

Ўзим ҳам шу хунар ортидан ўнлаб хорижий давлатларда бўлдим, нуфузли халқаро кўргазмаларда иштирок этдим. Миллий нақшлар асосида тўқилган гилам ва пойандозларим санъат асари даражасида эъозланиб, ҳозир турли мамлакатлардаги галереяларда сақланмоқда.

Очиги, бундан йигирма — ўттиз йил олдин бир қишлоқ аёлининг шундай муваффақиятларга эришишини тасаввур қилиб бўлмасди. Бугун эса биз, хунармандлар меҳнати чинакам қадр-қиммат топмоқдаки, бунга кенг имконият туғдирган Истиқлолдан айланай, деймиз.

Салтанат ҚҮЛДОШЕВА, хунарманд, Чирочки тумани

Шифо маскани фаолият бошлади

Чортоқ туманида янги шифо маскани иш бошлади. У Чортоқой соҳилидаги икки қаватли бинода бўлиб, қирқ ўринга мўлжалланган.

11 нафар шифокор, 14 нафар малакали ҳамшира хизмат кўрсатаётган муассасада хорижий етакчи фирмалари томонидан ишлаб чиқарилган клиник ва биоимевий лабораториялар, автомат анализаторлар, ИФА, УЗИ-доплер каби замонавий аппаратлар ўрнатилган. Бундай усуналар ёрдамида асаб тизими, урология ва ички касалликлар бўйича аниқ ташхис қўйиш ва беморларни стационар тартибда даволаш мумкин.

Дилбар ТУРҒУНОВА.

ЎЗБЕК ФУТБОЛИНИНГ ЁРҚИН КЕЛАЖАГИ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 1 майдаги "Ўзбекистонда футболни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, Футболни кўллаб-қувватлаш жамғармаси тuzилди. У айна вақтда болалар ва ўсмирлар футболни ривожлантиришда алоҳида ўрин тутмоқда.

Президентимизнинг 2011 йил 19 январдаги "2011 — 2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, футбол бўйича мактаб-интернатлар, болалар ва ўсмирлар мактаблари, профессионал футбол клублари ва терма жамоаларда ўқув-машқ жараёнини яхшилаш, футболчилар, мураббийлар ҳамда ҳакамларнинг маҳорат ва малакасини юксалтириш, стадионлар қуриши, мавжудларини талаб даражасида таъмирлаш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Табиийки, бу каби эзгу саяёҳаракатлар ўзининг юқори самараларини берапти. Мамлакатимизнинг барча жойларида "миллионлар ўйини" тобора оммалашиб, ёш иқтидорлар кашф этилаётди. Улар асосида шакллантирилаётган терма жамоаларимиз нуфузли халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда. Узоққа бормайлик. Шу кунларда Янги Зеландияда футбол бўйича ёшлар (U-20) ўртасида давом этаётган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон вакиллари чорак финал босқичи-

га чиқиб, дунёнинг кучли саккиз жамоасидан бирига айлангани спортимиздаги яна бир ютуқ эмасми? Бунинг аҳамиятини тасаввур қилиш учун қуйидаги қиёсчи келтирсак. Мазкур чемпионатда Ўзбекистон нафақат Ҳамдўстлик давлатлари, балки Осиё миқёсида шундай натижа қайд этган ягона мамлакат бўлди. ФИФАга 209 давлат аъзо эканини, биргина китъамизда 4 миллиондан зиёдроқ одам истиқомат қилишини эътиборга олсак, эришилган марранинг салмоғи янада аҷқолроқ ойдинлашади.

Таъкидлаш жоизки, футболимизни ривожлантиришда профессионал клублар ҳузурда болалар ва ўсмирлар футбол мактаблари ташкил қилингани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўсимимизни "Бунёдкор" болалар ва ўсмирлар футбол мактаби мисолида давом эттирсак. Бугунги кунда мазкур масканди 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган 500 нафардан ортиқ бола "миллионлар ўйини" сир-асрорларини ўрганмоқда. Улар орасидан истеъод ва маҳорати билан мутахассислар эътиборига тушганлари турли ёшдаги терма жамоаларга жалб этилаётди. Масалан, жорий йилнинг март ойида клуб аъзолари ҳамда мактаб тарбияланувчиларидан ўн саккиз нафари миллий, Олимпия, ёшлар ва ўсмирлар терма жамоаларига олинди.

— Дунёнинг ҳеч бир мамлакатиди болаларга биздагичалик гамжурлик қўрсатилмаса керак, — дейди "Бунёдкор" болалар ва ўсмирлар футбол мактаби мураббийи Бахтиёр Жўраев. — Мана шу таълим



муассасамизда яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишган киши бунга ишонч ҳосил қилиши мумкин. Ўқув корпуси, дам олиш хоналари, ётоқхона, ошхона, сузиш ҳавзаси, спорт зали, тиббий бўлим имкониятлари ҳар қандай кишида ҳавас уйғотади. Синф хоналари зарур ўқув дастурлари, локал тизим ва интернетга эга компьютерлар билан жиҳозланган. Тарбияланувчиларга футбол машғулотларидан ташқари, инглиз тили, психология, одоб-ахлоқ, маънавият, анатомиядан ҳам сабоқ берилади. Уларнинг овқатланиш рақисони махсус мутахассислар томонидан доимо назорат қилиб борилади. Ёш футболчилар учун еттига машғулот майдони мавжуд бўлиб, улардан уч-

таси сунъий қопламали, қолган тўрттаси эса табиий майсалидир. Табиийки, бундай юксак эътибордан баҳраманд шогирдларимиз футбол сирларини кунт билан ўрганмоқдалар. Уларнинг мақсади битта — Ўзбекистон шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчилар бўлиб қамолга етиши. Шу ўринда айтиш мумкинки,

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда болалар футболни жадал ривожлантиришга, ишончимиз комилки, бугун галабининг дастлабки нашидасини топиб, интилушу изланишлари билан ёрқин истеъдодини намойён этаётган навқирон авлод вакиллари келгусида ҳам жаҳон ареналарида байроғимизни балан дўртараврадилар.

Фозилдин АБИЛОВ.

Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги "Камолот" ёшлар оромгоҳида "Ёш журналистлар медиа-тренинги" бўлиб ўтди.

Тадбир "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Миллий телерадиокомпания, Журналистлар ижодий уюшмаси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда уюштирилди. Мазкур лойиҳада "Камолот" ЕИХнинг ҳудудлардаги матбуот хизматлари ходимлари, журналистикага қизиқувчи йигит-қизлар матбуот, телевидение, радио ва интернет бўйича ташкил этилган маҳорат сабоқларида қатнашди.

Ёш журналистлар учун медиа-оромгоҳ

Шу муносабат билан ўтказилган матбуот анжуманида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси И. Ҳалимбеков ва бошқалар мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш ҳамда улар учун барча шарт-шароитни яратиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганлигини таъкидлашди. Хусусан, Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшлар ҳамда оид давлат сибёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ташкил қилинаётган ва каби ташаббуслар мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

ёшлар муаммоларини ёриштириш механизми каби мавзуларда маҳорат дарслари, семинар-тренингларида ўз ишларини атрофлича муҳокама қилиш имконига эга бўлиши.

ЭЪТИБОР

— Бу галнинг ижодий салоҳияти ҳамда касб малакасини юксалтиришга хизмат қилиши билан ўзига хос ўринга эга. Зеро, ўқув-семинар давомида юртимизнинг малакали журналистлари ҳамда тахрирбали мутахассислари ёшлар учун назарий ва амалий машғулотлар ўтказишди. Ёш ижодкорлар ахборот хизматлари фаолият, оммавий ахборот воситаларида ёшларга оид лойиҳаларини тайёрлаш,

ёшлар каби мавзулардаги тренинглари ёш журналистларнинг соҳага қизиқишини янада оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз. Асосийси, бу медиа-тренинг "Камолот" ЕИХ тизимидаги матбуот хизмати ходимлари ўртасидаги ҳамкорликни самарали йўлга қўйишга катта туртки беради.

Медиа-оромгоҳ давомида турли маданий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, кўплаб соҳаларда муваффақиятларга эришаётган йигит-қизлар билан учрашувлар ўтказилди. Яқинда энг фаол қатнашчиларга махсус сертификатлар топширилди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Ранглар сеҳри»

Камалиддин Беҳзод мемориал боғ-музейида очилган кўргазма ана шундай номланди.

Унда Республика расоомлик ҳамда дизайн коллежлари ўқитувчи ва ўқувчиларининг юртимиз табиати, халқимизга хос қадриятлар акс эттирилган ижодий ишлари ўрин олган. Кўргазмада рангтасвир, графика ва батик

Моҳира АДIZОВА.

КўРГАЗМА

Advertisement for FPI DELIVERY SERVICE MCHJ, featuring images of various agricultural machinery like tractors and mowers, and text describing their services and contact information.

Advertisement for CAPITAL REALTOR GROUP MCHJ, offering real estate services and featuring contact details for their office in Fergana.

Advertisement for NEW ESTATE ACTION MCHJ, offering real estate services and featuring contact details for their office in Tashkent.

Хоразм Маъмур академияси қошида Хоразм тарихи ва маданияти музейи ташкил этилди. Бу ерда жамланган экспонатларнинг салмоқли қисми турли даврларга оид археологик топилмалардир.

Large advertisement for 'Халқ сўзи' newspaper, including contact information for the editorial office, subscription rates, and a QR code for more information.